

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ!




4(48)-сон,
2017 йил, апрель

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasи

ІJODIY РаRВОZ

Ислом КАРИМОВ



Амир Темур
таваллудининг
681 йиллиги

“Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-кұдратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариятровожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англомоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслали керак!”
Ислом КАРИМОВ

Буюк соҳибқирон Амир Темур марказлашган давлатга асос солиб, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаб, ривожлантириди, шон-шуҳратини бутун жаҳонга ёди, буюк салтанатнинг хукмдори сифатида миллатлар ва халқларни бирлаштириди. Унинг хукмдорлик йилларида маданият, илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва шеърият юксак чўққига кўтарилиди. Бу давр “Темурийлар даври ренесанси” номи билан тарихга кирди.

Тарихчилар Амир Темурни Македониялик Искандар, Доро I, Юлий Цезар каби йирик саркардалар қаторига қўядилар. Соҳибқирон Хиндистон ҳамда Хитойдан, Қора денгизга ва Орол дengизидан Форс қўлтиғигача бўлган ҳудудни қамраб олган буюк салтанатни вужудга келтириди. Бундан ташқари, Кичик Осиё, Сурия, Миср, Қўйи Волга, Дон бўйлари, Балхаш кўли ва Нил дарёси ва Шимолий Хиндистонгача бўлган мамлакатларни ўзига бўйсундирди. Амир Темур минглаб

АМИР ТЕМУР – МУМТОЗ СИЙМО

жанглар утказиб биронтасида ҳам енгилмаган замоннинг машҳур саркардаси давлат тузилиши ишларига, илм-фан, маърифат, маданият тараққиётiga улкан ҳисса қўшган сиёсий арбоб сифатида тарихга кирди. Кудратли салтанат барпо этган Амир Темур янгича тарихий вазиятда мамлакатда маънавиятнинг гуллаб-яшнаши, юксалиши ва ўтмиш даврнинг анъаналарни тикланиши учун шарт-шароитлар яратди. Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакилларининг гуманитар соҳаларга алоҳида эътибори туфайли XIV-XVI асрларда юксак илмий ва ижодий ютуқларга эришилди.

Амир Темур ҳаётлик пайтида давлат бошқаруви ҳақида “Темур тузуклари” номли китобида ёзилган эди. Унда машҳур давлат арбоби ва саркарданинг ҳарбий санъатга, давлат тузилиши ва мамлакатни бошқаришга оид қарашлари акс этди. “Куч адолатда” шиори эса бутун Амир Темур давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланди.

Амир Темур савдо-иқтисодий муносабатлар орқали халқлар ва мамлакатлар орасида ягона мақон яратишда мисли кўрилмаган ютуқларга эришиди. У Испания қироли Генрих III, Франция қироли Карл IV, Англия қироли Генрих са-

ройларига элчилар йўллади, айни пайтда ўз саройида испан, француз, инглиз, хитой ва бошқа ҳорижий мамлакатларнинг элчиларини кабул килди. Европалик олимлар Амир Темур ва унинг фаолияти ҳақида бундан тўрт юз йил илгари гапира бошлаган эди. 1553 йилда Флоренция (Италия)да италян олими Перондино қаламига мансуб “Скифлик буюк Тамерлан” китоби нашрдан чиқди. Бу эса Европада Амир Темур ҳақидаги илк илмий тадқиқот ҳисобланади. Европанинг (испан, инглиз, француз) тилларида эълон қилинган ёзма манбалар ичida биринчи ўринда испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406)” турди. Буюк Рембрандт Бобурийлар замонидаги ҳинд миниатюраларидан илҳомланиб, Амир Темурни унинг ворислари Умаршайх, Захирiddин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн ва Акбар даврасида тасвирлайди.

XVII асрда яшаган машҳур инглиз шоири ва драматурги Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” номли трагедиясида ёш Темурбек ўзининг тенгизиқли, салоҳияти ва шиҷоати билан жаҳон тарихидаги қудратли подшолардан бирига айлангани намойиш этилган. Трагедия XVII асрчага саҳнадан тушмай, Англияда

ВАТАН

Яллалари янграб турар қўшигига,
Алтномишлар катта бўлган бешигига,
Қалампир ва мунҷоқ илар эшигига,
Асли жанинат шу Ватандан бошланади.

Қалдирғочлар макон билган қўчогини,
Дедқонлари тилло билар түпрогини,
Отамеърос дейди тандир-ўчогини,
Асли жанинат шу Ватандан бошланади.

Мен айтаман Бухоро-ю Самарқандан,
Тилим байронлиги асли новвот-қанддан,
Шундай элини тополасиз айтинг қайдан?
Асли жанинат шу Ватандан бошланади.

Яна айтай Боги Беҳшиш, Эрамидан,
Қадамимдан гул кўйкарсан, қадамимдан.
Ўзбеклигим бу – Ҳудонинг карамидан,
Асли жанинат шу Ватандан бошланади.

Аллалатар момолар юрт бешигини,
Ўғил-қизлар айтади юрт қўшигини,
Темурбеклар кўриқлар юрт эшигини,
Асли жанинат шу Ватандан бошланади!

Феруза БЕГМУРАТОВА,
“Кино ва телевидение режиссёrlиги”
таълим йўналиши 1-босқич талабаси

театр мавсумини бошлаб берди. Бир неча европалик бастакорлар операларда Амир Темур образини яратганлар. XVII аср бошида италян бастакори Гаспир “Тамерлан” операсини яратиб, Вена театрида саҳна юзини кўрди. Бастакор Лео уни Неапол театрида саҳналаштириди. Антонио Вивалди, Сколари, Гендел ва бошқа бастакорлар ҳам бу мавзуда мусиқа асарлари яратганлар. Бугун жаҳоннинг эллиқдан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Темур ва Темурийлар даврига бағишлиланган кўплаб китоблар чоп этилмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Европа тилларида Амир Темурга бағишлиб ёзилган салмоқли асарларнинг сони 500 га етди, Шарқ тилларида эса 900 дан ошди.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, Амир Темур Ўзбек давлатчилиги ҳамда Марказий Осиёда фан ва маданиятни ривожланишида беҳисоб ҳисса қўшган енгилмас саркарда, атоқли давлат арбоби сифатида тарихда қолган мумтоз сиймодир.

З. ИСОҚОВ,
“Ижтимоий-гуманитар
фанлар” кафедраси доцен-
ти, тарих фанлари номзоди



СТУДЕНЧЕСКАЯ РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ И ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ «ЗНАЧЕНИЕ КУЛЬТУРЫ И ИСКУССТВА В ОБОГАЩЕНИИ ДУХОВНОГО МИРА И ВОСПИТАНИИ В ДУХЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ МОЛОДЁЖИ»

20 апреля 2017 года в Государственном институте искусств и культуры Узбекистана прошла студенческая республиканская научно-теоретическая и практическая конференция «Значение культуры и искусства в обогащении духовного мира и воспитании в духе национальных и общечеловеческих ценностей молодёжи», проводимая в рамках Распоряжения Кабинета Министров Республики Узбекистан №Р-126 от 13 февраля 2017 года.



Под руководством проректора по научной работе Халикуловой Г.Э. на протяжении нескольких месяцев велась активная работа организационного комитета Государственного института искусств и культуры по подготовке данного мероприятия.

Конференция была посвящена проблемам духовно-нравственного воспитания творческой молодёжи, тому, насколько велико значение культуры и искусства в обогащении духа молодёжи и осознание ею духовных ценностей в деле формирования гармонично развитой личности. Материалы конференции изданы в виде сборника научных

публикаций.

В конференции приняли участие студенты и магистранты различных ВУЗов Республики Узбекистан.

Пленарное заседание конференции открыло ректор - профессор Бахтиёр Сайфуллаев с приветственной речью. На нем было заслуша-

но четыре доклада:

1. «Ўзбекистон телерадио каналлардаги қўрсатув ва эшиттиришларнинг ривожланиш босқичлари ҳамда буғунги ёшлар тарбиясидаги аҳамияти» Исмановой А., студентки 2-го курса Государственного института искусств и культуры

2. «Санъат шахс маънавиятини шакллантирувчи мураккаб тизим сифатида» Турсункуловой Ш. Студентки Самаркандского Государственного университета

3. «К вопросам формирования узбекского народно-сценического танца» Насибулиной Л. Стажер-исследователь Института искусство знания АН РУз

4. «The importance of english information to a creative person» Фазлидиновой Х. Студентка 1-го курса Государственного института искусств и культуры.

Каждый из четырех докладов вызвал неподдельный интерес и оживленную дискуссию. Тематика докла-

дов показала широчайший спектр научных изысканий участников конференций. Доклады прозвучали на английском, русском и узбекском языках.

Также на пленарном заседании выступили с речью приглашенные гости из Министерства высшего и среднего профессионального образования Республики



творчества и национального исполнения: проблемы и их решения.

6. Искусство слова как средство духовного обогащения личности.

Актуальность и цель данной конференции обусловлены в дальнейшем совершенствовании образовательного процесса, выявления и поддержки талантливой молодежи, которая несет в себе научно-исследовательский потенциал.

На мероприятии по завершению и награждению участников конференции было отмечено, что работа пленарного и секционных заседаний была эффективной и продуктивной, так как было заслушано множество полезных



Узбекистан. Мероприятие было организовано на высоком уровне в виде концертной программы.



Для участия в секционных заседаниях данной конференции было опубликовано более 100 научных статей. Каждая секция рассматривали важные аспекты подготовки специалистов в сфере искусства и культуры:

1. Вопросы истории и науки в искусствоведческом анализе.

2. Актуальные проблемы в подготовке театральных режиссеров.

3. Теоретические аспекты создания образа современного героя в драматургии экрана и сцены.

4. Научный подход в изучении художественных передач и программ телерадиоканалов.

5. Исследования в сфере народного

предложений и мнений по развитию дальнейшего научно-исследовательского потенциала среди талантливой молодёжи Республики Узбекистан и на основании их была разработана и принята резолюция данной конференции.

Шахноза САРИБАЕВА,
магистрантка 2-курса
по направлению культурологии



Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан • Институт ҳаётидан

Жорий йилнинг 28-март куни МДҲ давлатлараро гуманитар ҳамкорлик фонди делегатцияси вакиллари – Россия Федерацияси президенти ҳалқаро маданий ҳамкорлик бўйича махсус вакили, фонд раҳбари Михаил Ефимович Шведкой, МДҲ давлатлараро гуманитар фонди ижрои директори Анатолий Геннадевич Иксанов Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчионаси биринчи котиби Александр Владимирович Сухановларнинг олийгоҳимизга ташрифи меҳмонларда ҳамда мезбонларда катта таассурот қолдирди.

Меҳмонларни институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев кутиб

олди ва ўқув муассасамиз фаолияти билан танишилди. Бевосита ижодий жараёнларга қизиқиш билдириб, АРМда яратилган шарт-шароит, имкониятларга гувоҳ бўлишиди. Дарс жараёнлари жумладан, “Овоз режиссёrlиги”, “Драматик театр ва кино актёrlиги”, “Қўғирчоқ театри актёrlиги”, “Эстрада ва оммавий томошалар режиссёrlиги”, “Мусиқали театр ва кино актёrlиги” бўлими талабаларининг ўқув машгулотлари, рақс хонасидаги қизғин мұхит, саҳна жанглари машқлари билан яқиндан танишдилар. Ай-



ниңса, рус классик ёзувчиси А. Островский асари асосида тайёрланган 4-босқич “Драматик театр ва кино актёrlиги” гурӯхи малакаий битирув иши сифатида

давлатнинг професионал театри имкониятларидан қолишмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бундай ташриф келажак мақсадлар учун қўйилган қадамлардир. Институтимиз ўқитувчилари ва талабалари ҳам чет элларга қилаётган ижодий сафарлари, ҳалқаро кўрик танловларда эришаётган ютуqlари мана шундай маданий муносабатларнинг маҳсулидир.

Шуҳрат ИБРАГИМОВ,
“Фольклор ва этнографик жамоаларига раҳбарлик” йўналиши,
4-босқич талабаси

САНЪАТ — СЎЗСИЗ ТАРЖИМОН

ТҮФРИ ТАНЛАНГАН ЙЁЛ — ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ҚАФОЛАТИДИР!

Санъат — бу гўзаллукдир. Инсон қалбига юл топиб борувчи энг кучли воситадир. Барчамига маълумки, куй қўшиқла, санъатга муҳаббат, мусиқа маданияти халиқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Ўйда дутор, доира руబоб ёки бошқа чолгу асбоби бўлмаган, мусиқанинг ҳаётбахши таъсирини ўз ҳаётиди сезмасдан яшайдиган инсонни бизнинг юртимизда топиш амри маҳол.

Шу боисдан бизни юртимизда санъатга жумладан, қўшиқчилик санъатига қизиқувчи, қобилияти ижодкор ёшларни қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Фикримиз исботи сифатида ёш истеъдодларни кашф қилиш ва қўллаб қувватлаш мақсадида Республикализнинг биринчи президенти томонидан таъсис этилган 5 та яъни, "Миллий қўшиқчилик", "Чолғу ижрочилиги", "Рақс", "Вокал ижрочилиги" ва "Эстрада қўшиқчилиги" йўналишлари бўйича "Ниҳол" давлат мукофотини мисол қилиб келтиришим мумкин. Бугунги кунгача юзлаб ёш санъаткорлар ушбу мукофот билан тақдирланиб келмоқдалар. Ушбу мукофот санъатга эндиғина қадам қўяётган ҳар бир хонанданинг орзуусига айланмоқда. Шунингдек, бизнинг тенгдошимиз "Халқ ижодиёти" факультети "Ашула ва рақс ансамблари"га раҳбарлик бўлими 4-курс талабаси Бобуржон Худойкуловнинг ҳам орзуси ва мақсадига айланган. Бобуржон мазкур йилда "Ниҳол" мукофоти Республика босқичида "Миллий қўшиқчилик" йўналиши бўйича иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган омадли тенгдошларимиздан бири хисобланади. У 1994 йил 8-сентябрда Сурхондарё вилояти Бойсун туманида туғилган. Ўрта маҳсус таълимни Бойсун туман 1-сонли умумий ўрта таълим мактабида олган. Санъатга бўлган қизиқиши ва истеъдодини англаган отаси уни Бойсун тумани 6-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқишига беради. Мактабни тамомлагач, у Термиз санъат коллежининг "Анъанавий хонандалик" бўлимида таҳсилни давом эттириди. — "Дадамнинг гайтишча менда санъатга бўлган қизиқиши 2 ёшлигимдан бошланган экан. Бунга, албатта, санъаткорлар оиласида туғилганим, айниқса биринчи устозим отамнинг ижоди асосий сабаб бўлган бўлса керак" — дейди Бобуржоннинг ўзи. У ижодий фаолияти давомида дастлаб, 2006 -йил "Диёр оҳанглари" Республика кўрик-танловида "Куралай" болалар фолклор этнографик намунали халқ ансамблида якка хонанда сифатида иштирок этиб, фархли 1- ўринни

қўлга киритган. Шундан сўнг, 2008 йил Қашқадарё вилоятида ўтказилган "Асрлар садоси" фестивали фаол иштирокчиси, 2009 йил эса "Болалик баҳори" Республика кўрик-танловида 6-Болалар мусиқа ва санъат мактаби мақомчилар жамоаси таркибида 1-даражали диплом билан тақдирланган. 2011 йил "Ниҳол" мукофоти кўрик-танлови вилоят босқичи фаол иштирокчиси. 2013 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган санъат ва маданият коллекции, академик лицейлар ўртасида ўтказилган "Ёш ижроилар" Республика кўрик танловининг ўзлигига нисбатан муносабатdir, ўзбек миллий

О. Хотамов, Р. Мамадалиев, М. Узоқов ҳамда бошқа шу каби устоз санъаткорлар ижро этган қўшиқларни, мақом сирларини, ижро-чилик маҳоратини устози ўзбекистон халқ артисти Ў. Расуловдан катта қизиқишибилан ўрганиб, ижро этиб келмоқда. "Ривоят", "Топмишам", "Ой Доғланур", "Рубоёт", "Демасман", "Кошки" каби бир қанча дилбар қўшиқлар шулар жумласидандир. Бобуржон мақомларни ўрганиш давомида олган билим ва тажрибасига таяниб, мустақил равишида Т. Шукиров сўзи, У. Юлдошев мусиқаси билан "Шу юрт учун", С. Тогай сўзи С. Юлдошев мусиқасига асосланган "Томчи-томчи", "Мухаббатим" Ш. Камолиддинова сўзи, С. Юлдошев мусиқаси билан ёзилган қўшиқларни ижрочиси ҳамdir..

Миллийликга ҳурмат, эътибор, бу ҳар бир инсоннинг ўзлигига нисбатан муносабатdir, ўзбек миллий

Рақс инсонларнинг ички дунёсини, дардини, хурсандчилигини тараннум этади. Бу соҳа вакиллари халқнинг кўнглини кўтариш учун хизмат қиладиган ижодкорлардир. 1978-1979 йилларда телевидениеда "Марҳабо талантлар" деб номланган телевестиваль бўларди. Шу кўрсатувга юртимизнинг кўпгина хойларидан ажойиб истеъдод эгалари келиб қатнашарди. Ўшанда келган ижро-чиликар ичидаги "Андижон полькаси" бадиий ҳаваскорлик жамоаси ҳам бор эди. Бу жамоа репетицияларини асосан кечқурун қиларди. Мен бўлсан ишдан чиқиб тўғри уларнинг олдига борардим ва рақсларини томоша қилиб ўтирадим. Шуларнинг бирида мен учун мутлақо янги бўлган, ҳали умримда

"ДИЛХИРОЖ" РАҚСИ ҲАҚИДАГИ ЎЙЛАРИМ

кўрмаган "Дилхирож" рақсни кўрдим. Мен илк бор бу рақсни кўрдим-у, ўзбек йигитларини шундай яқа рақслари ҳам бор эканда, деб ўйлаб қолдим. "Дилхирож"ни Алишер Мейлибоев томонидан қойилмақом қилиб ижро этилганини кўриб бу рақста ишқим тушди. Кейин билсан Алишер асли сурнайчи экан. Ҳа, ҳайрон қоларли жойи йўқ, чунки Андижонликлар ўзи шунақа. Созни чалиш, ашула айтиш ва албатта, рақс тушишини ҳам қойиллатишиди.

"Дилхирож" мени ўзига мафтун қилиб кўйди-ю, аммо бу рақсни кимдан ўрганишни билмасдим. Чунки жуда тортиноч эдим-да. Охири сўраб Алишердан "Дилхирож"ни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдуғаффор Қодиров саҳнапаштирганини билиб олдим. Энди мени олдимда иккинчи муаммо А. Қодировни топиб, мен шу рақсни ўрганишимга кўмаклашишини сўрамоқчи бўлдим. Буни "Шодлик" ансамблимини доирачиси Дилмурод Исломовдан илтимос қилиб, Абдуғаффор ақага шогирд тушишини сўрадим.

Абдуғаффор ақа эса шогирди Алишерга бириктириб кўйди ва у менга рақсни ўргата бошлади. Ўша вақтларда "Дилхирож" рақсни ҳаракатлари унчалик кўп ҳам эмасди, оз вақт ичидаги рақсни ўрганиб олдим. Ўрганиб бўлганимдан сўнг, назаримда "Дилхирож" рақсни, деярли кўп жойлари устида ишлаш керакдек кўринарди. Чунки базъи ҳаракатлари халқил бўлиб, бир ҳаракат 3, 4 марта қайтирилышдан иборат эди. Мен рақсни борича саҳнага олиб чиқишим ҳам мумкин эди-ю, аммо, бадиийлик йўқоларди.

Бу рақс устида ёлғиз ўзим ишлай бошладим. Албатта, ёнимда ўзининг доираси билан Дилмурод ақа бўларди. Рақсни ҳар доим шу инсон билан биргаликда машк қилардим. Дилмурод ақа бўлса, ўз фикрини билдириб камчиликларимни тўлдириб турди. Рақс буткул тайёр бўлди. Шундан сўнг устозим А. Қодировга рақсни кўрсатдим. Устозим рақсни кўриб жуда хурсанд бўлди ва "Дилхирож" рақси энди бадиий ечимини топиби, энди кўркмай хоҳлаган саҳнанги

шу рақс билан забт этишинг мумкин" деди. Мен шуни фурур билан айта оламанки, бу рақс шоҳ рақсим бўлишига ишонардим.

"Дилхирож" рақси ижросида туғилган муаммолардан бири либос масаласи эди. Бир концертда янги либосда, бошда дўппи, эгнимда бекасам тўн, оқ яхтак ва шалвар, оёғимда этик, тўнимни бир енги кийилмаган ҳолда белимдаги белбогимга қистириб "Дилхирож" рақсни ижро этдим. Шунда томошабинлардан бири мендан; "Назрииддин нега тўнингизни бир енгини киймайсиз?" - деб сўраб қолди. Мен унга ахир бу рамзий маънода, яни инсоннинг дарди кўплигини ёки бирор бир яқин инсонидан айрилиб бир қаноти синганини, қадимда дехқонлар ҳам тўнини шу зайдада



мехнат қилишганини айтдим.

"Дилхирож" бу шундай рақски, бунда бизнинг миллийлигимиз акс этган. Мен бу рақс билан Европа саҳналарини забт эта олмаганман, чунки улар кўп ҳам "Дилхирож"ни тушуниша олмаган. Мен факатина шу рақсни ижро этганда қалбимдаги дардларидан ҳалос бўламан. Шу сабабдан "Дилхирож"нинг маъноси нима деб сўрашса "барча рақосларнинг қалбидаги дарди" деб жавоб бераман.

Лекин, қилинган меҳнат қачон бўлса ҳам мевасини бермасдан кўймас экан. Мана юртимиз истиқололга эришид-ю, бизнинг шогирдларимиз биз забт эта олмаган мэрраларни эгалламоқда. Юртимиз байроғини кўкларга кўтариб, ўзимизнинг миллий рақслар билан ўзбек санъатини дунёга таратмоқда. Олдинлари биз боришимиз орзу бўлган чет давлатларга бориб, ўз санъатини намойиш қилиб барчани қойил қолдириб қайтмоқда. Буларнинг барчаси истиқол берган имкониятларнинг натижаси деб биламан!

Мен қайта-қайта Яратганга беҳисоб шукр дейман. Чунки қилинган меҳнатим бекор кетмади. Мана бугунги кунда ўшлар мен бошлаб берган йўлдан озми-кўпми юриб ўз рискини топмоқда. Бу мени ёруғ оламда топган энг катта "баҳтим" десам хато бўлмайди!

Нарзиддин ШЕРМАТОВ,
"Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият" кафедраси
катта ўқитувчи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Маданият Дағтиҳати

Мусаффир қўйига қалам беरеаниш, устахонасанга ёки тадиат қўйига шошади. Бугун у тадиат дарзини мақон қўйди. Қўтарини қайфият дарз урип турган қўдлари оппоқ қозоғда. Ҳизди, ўчириди. Ҳизди, ўчириди. Ҳизди, ижроқор ажига таниши дўйиган илжом парилари дўғишини ўзгаси таъсирларни? Ҳурам таҳтасига ишлайдир келиб қўйди. — Оенисан, — деди у поэзик қанонлари кўк, бирор ўнда унча-мунича рассеомлар сола олмайдиган дежирил нақшлар таевири туширилган каналакка. — Деяни, тушилик ғақти дўйибди-да". Жече сафатдан бери сеъргар дарпоклар тафтини ҳие ётишига муштоқ ётган қаламга қайта қўйл ғэжди. Ҳурам кун маданиядаги дўйиб турган оқ барак бир кўз очиб юнигичалан соҳиби ёрдамида пардоғоз-аңғоз қалиб олди. Ҳида жеке қандай тушунид бўйлагиган таевирини ёзи. Ранглар жилла-жилла дар холос. Ҳурият сафатига қўйида ёғзларни ёзи: "Мен қаршинда түж-түж тулаб ётган ёрик дарахтларидан бирини чизшиш мункини эди. Ҷиз заман хаёл саҳнасани беҳзаб турган таевири дар макоми декорацияни яшашдан чўшишни. Чунки у буюк келажак ўйиншил ишлештиришни...

**Умидда САЙЛИЕВА,
"Саҳна ва экран санъати драматургияси"
йўналиши 2-босқич талабаси.**

этган бир қанча қўшиқлари институтимизнинг профессор ўқитувчиси Ў. Тошматов томонидан нотага солинган. Кўплаб вилоят, туман байрам ва танталарида қўшиқлар ижро этмоқда. Шунингдек, бир қанча оммавий ахборот воситаларида, жумладан, "Орият доно" радиосида, Сурхондарё вилоят телеканалида ўзининг чиқишилари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Айни пайтда институтимизда ўқиши жараёнида Бухоро, Фарғона-Тошкент мақомларини, О. Алимахсумов,

мусиқий меросини чуқур ўрганишини, дунё ҳалклари мусиқий маданияти сингари кент тарғиб қилишни олдига катта мақсад қилган. Бобуржон каби ёш ижрочилик тенгдошларимизни етишиб чиқаётгани ҳаммамизни бирдек қувонтиради албатта. Биз тенгдошимиз Бобуржонга бу йўлда омад ва улкан зафарлар тилаб қоламиз!

**Гулмира ДУСАНОВА,
"Саҳна ва экран санъати драматургияси"
йўналиши 4-босқич талабаси**

Islom IBODULLA

PALTO

Qatnashuvchilar:

G'ulom – nafsining quli.
Zoir – tekinox'or, G'ulomning sheri.
Mushtipar – G'ulomning xotini.

BIRINCHI KO'RINISH

Kuzning salqin tuni. Ko'cha. Ikki yonda ostiga barg-xazonlar to'kilgan eski yog'och to'siq. Ikki-uch daraxt. Sahnuning tepa qismidan daraxt shoxlari osilib turadi. Sahnaga ikki mast – G'ulom va Zoir chiqadi.

G'ulom: Ey, qo'yvor. Menga osilmasang-chi...Qoch...

Zoir: Nega turtasan? Esing joyidami seni? O'zing-ku, meni ichishga undaganding, nima, endi chetlamoqchimisan?

G'ulom: Aljirama, sen mishiqi...

Zoir: Ey, uni-buni qo'y, pulni qayerdan topding? A-axir sen ham menday ishsiz, takasaltang bo'lsang... Yo, birovni quritdingmi? A...

G'ulom: Sen ahmoq nimalar deyapsan? Meni shunaqa pastkash deb o'layapsanmi? Hammani o'zingga o'xshataverma.

Zoir: Nima, men noto'g'ri gapir-

yapmanmi? Esi bor odam qiziqadigan gap bu, galvars... Ha, nega qotib qolding, yur...

G'ulom bir zum o'ya cho'mib qoladi. Keyin jonholatda Zoirga yopishadi.

G'ulom: Pulni top... Pastkash, pulni top. Bo'lmasa ertaga shu yerdan sening o'ligingni topishadi... Top pulni!

Zoir: Qo'yvor, kaltafahm, o'zing pastkash! Qo'yvor meni!

Janjal. Sahna yopiladi.

IKKINCHI KO'RINISH

Kambag'algina hovli. So'ri. Ayvonda kirlar yoyilgan. Yana allanimalardir hovli yuzida sochilib yotibdi. Telefon jiringlaydi. Ichkaridan Mushtipar otilib chiqadi.

Mushtipar: Allo, eshitaman, eshitaman. Sarvarjon o'g'lim... Onang o'rgilsin, ovozlarindan o'rgilay,

bolam. Yo'q, yig'lamayapman, xursandligimdan... O'zing yaxshiman? O'qishlarig yaxshimi? Onang o'rgilsin... Yig'lamayapman dedimku... Nima? Ha, dadang yaxshi, men ham. Voy, esim qursin, tug'ilgan kuning bilan bolam, tug'ilgan kuning muborak, o'g'lim! Dadang ertaga yoningga boradi, bugun senga sovg'a olgani bozorga chiqqandi. Palto, senga palto olib bormoqchi... Bu nima deganing, qish yaqin, issiqqina yurasan-da, Sarvarjon. (pauza) Allo, allo, Sarvarjon bolam (aloqa uziladi)!... Eh, o'n to'qqiz yoshing muborak, bolaginam...

Mushtipar, telefonni joyiga qo'yadi. Shu payt hovliga G'ulom kiradi. Ust-boshi bir ahvol, chang... Nuql aljiraydi.

G'ulom: Ey, onasi qandaysiz? Zerikmaygina o'tiribsizmi? Sarvarjon telefon qilmadimi (pauza)? Hoy, nega mushukday shumshayib qolding, tinchlikmi? Tiling kalimadan qaytganmi seni? Ey, bore...

G'ulom o'zini so'riga tashlaydi. Tosh qotadi. Mushtipar esa chaqmoq urgan yog'ochday unsiz turadi.

ТАМОМ

ЯШИЛ ФОН ВА УНИНГ ИЖОДИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

(“Менинг дўстим” жин фильм мисолида)

Фан-техника тараққиёти міжъизасига айланган кино санъати қисқа фурсатларда бадиий, хужжатли, мультипликацион фильмлари орқали инсонлар қалбини забт эта олди. Ўтган давр мобайнида фильмлар яратилиши жараёнларида түрли авлод ижодкорлари ранг-баранг жараплар, услугуб ва янгиликлар, бадиий ифоданинг ўзгача воситларидан фойдаландилар.

Бугунги кунда ҳам кўплаб тасвирга олиш воситаларидан фойдаланиб келинмоқда. Улардан бири яшил фондир.

Яшилфон замонавий кинематографияда “хромакей” деб аталади. Хромакей сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб “Chroma key” – “ранглар калити” деган маънени англатади. Яшил фондан, икк ва ундан ортиқ тасвир ёрдамида битта тасвир яратишда фойдаланилади. Бужараён тўртта босқичда олиб борилади. Улар яшил ёки кулранг фонларни танлаш, чироқлар ёрдамида ҳосил қилинадиган муҳит ва маконга мос равиша ёруғликни яратиш, тасвирга олиш жараёни ва Adobe After Effect ва бошқа программаларда тасвирни яратишдан иборатdir.

Кинорежиссёр Иқбол Мелиқўзиневнинг “Менинг дўстим жин” кинокартинасида яшил фоннинг ижодий имкониятларида жуда кенг фойдаланилган. Фантастик комедия жанрида тасвирга олинган ушбу фильм Мирфаёз исмли ўсмир

хаётида рўй берадиган қизиқарли воқеаларга қурилган. Мирфаёз тепалиқдан чироқни топиб олиб, чироқ ичидан чиқсан жин билан сухбати эпизодида компьютер графикаси, махсус эффектлардан ташқари яшил фонда тасвирга олинган кадрлар орқали жиннинг чироқдан чиқиб келиши ва сухбатини табиий ҳамда ишонарли чиқишига эришилган. Жин, Мирфаёзнинг уйига курсдоши Лайло қиёфасида пайдо бўлиши, синф хонасидаги дарсни тоғ устига, дарё бўйига, ўрмонга кўчирилиши, Мирфаёзнинг кўчада уйига кетишида жиннинг пайдо бўлиши, Мирфаёзни курсдошлари ортидан пиёзларнинг учб юриши каби кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

Фильмда шунингдек яшил фоннинг ижодий имкониятларидан фойдаланиб муҳит ва макон, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, жиннинг “секси” экранда томошабинларга мохирона етказишга ёътибор қаратилади.

Киноижодкорлар, томошабинларда нафистасавурни, тафаккур қилиш қобилиятини, дунёкарашини, мuloқот маданиятини шакллантириши, эзгу қобилиятынни амалга оширишига сабаб бўладиган фильмларда яшил фоннинг ижодий имкониятларидан фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, яшил фон орқали яратилган тасвирлар фильмнинг фоявий-бадиий йўналиши ва тасвирий талқинига бўйсуниб, сюжетнинг ривожи, образларнинг шаклланишига хизмат қиласи. Томошабинлар эса юксак савияга, энг мураккаб, нозик хис-туйгуларга эга асарни томоша қилишлари мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, фильмлар яратилишида тасвирга олиш услубларидан бўлган яшил фоннинг ижодий имкониятлари шаклланиши ва ривожланишдан тўхтамайди. Янги авлод ижодкорлари ҳам замонавий кинематографияда ўзгача воситалардан фойдаланиб фильмлар яратишда давом этадилар.

**Отажон ДОСТОНОВ,
“Кинотелеоператорлик”
йўналиши 4-босқич талабаси**

Myassiss:

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Таҳрир ҳайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Антононо КОШЕЛЕВА
Рашид УСНАТОВ
Нафиса РАЙМКУЛОВА
Муҳаррам БОЗОРОВА

Дизайнер
Илҳом ЖУМАНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улугбек тумани, Ялонғот мавзаси, 127 А уй
Тел.: +99890 374-24-25;
+99871 230-28-13
www.dsni.uz; dsni_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирги хафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.

Манзил: Ўрга Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъял маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатта олинган.

1 2 3 4 5

ГАПЛАШАМИЗ...

Хиёбонлар бўглар қолиб
Хаёлларга эргашамиз
Гап сўзлардан кўздан ҳоли
Телефонда гаплашамиз.



Кўча- кўйда девонадек
Беъзтибор бегонадек
Тунлар худди ҳамхонадек
Телефонда гаплашамиз.



Фанимларим билолмасин
Суҳбатимиз бўлолмасин
Устимиздан кулолмасин
Телефонда гаплашамиз.

Кўргим келар сизни кунда
Ҳамма бало асли шунда.
Қолгани ҳали тунда
Телефонда гаплашамиз.

Шахбоз МУРОДҚУЛОВ,
“Театршунослик” йўналиши,
1-босқич талабаси



МЕХР

Мехрга йўл беринг
боловаб кетсин,
Ургани сочсин ер куррасида.
Хар қайси юракда
шоналаб кетсин,
Оналар яратган меҳр исида.

Мурувват түгилсин одамлар аро,
Эзгулик богига айлансин жаҳон.
Мехрдан қасрлар қурилса зора,
Барвақт тарк этмасди
жонини инсон.

Ширин сўзга ташна
қилманг дилларни,
Мехрдан бошланар
ҳаётнинг боги.

Гадоси бўлинг сиз
ширин тилларни,
Умриниз бўлади
баҳтнинг йўлдоши.

Юрагингиз бўлсин меҳр маскани,
Ҳастаҳол қўнгилга
беролсин малҳам.
Томирларда оқса меҳрнинг қони,
Садоқат томири абадий маҳкам.

Садоқат ХИДИРОВА,
“Фольклор этнографик жамоала-
рига раҳбарлик” йўналиши
2-босқич талабаси